

Судланувчи ҳаракатларининг нотўғри квалификация қилинганлиги суд қарорларининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2005 йил 5 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу вилоят судининг 2005 йил 8 июндаги ҳукмига асосан А. ЖК 206-моддасининг 1-қисми, 25,97-моддаси 2-қисмининг «г,л» бандлари, 219-моддасининг 2-қисми билан, ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил 15 йил 6 ойга озодликдан маҳрум қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра А. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилган.

А. Жиззах вилояти Ички ишлар бўлими кўриқлаш бўлинмасида милиционер лавозимида ишлаб келиб, 2004 йил 20 декабрда ўз хизмат вазифаси юзасидан туман суди биносини кўриқлаб турган постини ўзбошимчалик билан ташлаб, Гагарин шаҳрида яшовчи Қ.исмли шахснинг уйига келиб, у ерда спиртли ичимлик ичган. Сўнгра иш жойига қайтиб кетаётганида йўлда велосипедда темир арматура олиб кетаётган С.ни кўриб, ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда уни тўхтатиб, С.ни темир арматурани ўғирлаганликда айблаб, уни туман ички ишлар бўлимига олиб боришини айтган.

С. арматураларни ахлатхонадан топиб олганлигини айтган. Шу пайт бу ердан ўтиб кетаётган Э. ўз фуқаровий бурчини бажариб, жанжалнинг олдини олиш мақсадида А.дан нима гап бўлаётганлигини сўраб, уни тинчлантирмоқчи бўлганда, А. безорилик туйғулари билан Э.нинг қонуний талабларига бўйсунмасдан, унга фаол қаршилик кўрсатиб, ўзига хизмат юзасидан бириктирилган ПМ-9 русумли ОН-4192 рақамли пистолетни чиқариб Э.нинг пешонасига тираб, уни ўлдириш билан кўрқитган. Э. ўзини

ҳимоя қилиб, А.нинг пистолет ушлаган қўлидан ушлаб, пастга қараб босганда, А. Э.ни ўлдириш ниятида пистолетдан бир марта ўқ отган.

Э. А.нинг пистолет ушлаган қўлини пастга босганлиги туфайли ўқ Э.нинг чап сон соҳасининг олд томонига тегиб, унга ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказилган.

Э.га ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилганлиги сабабли, А. жиноий мақсадини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноятини охиригача етказолмаган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 9-бандида, «фуқаролик бурчини бажариш деганда, фуқаро томонидан унинг зиммасига қонун билан махсус юклатилган мажбуриятларнинг амалга оширилиши, шунингдек, бошқа ижтимоий фойдали ҳаракатлар содир этилиши (ҳуқуқбузарликнинг олдини олганлиги, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисида ёхуд қидирилаётган шахс турган жой ҳақида ҳокимият органларига хабар берганлиги, гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида шахснинг жиноят содир этганлигини фош этувчи кўрсатувлар берганлиги ва ҳ.к.) тушунилмоғи, фуқаролик бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ ҳолда уни қасддан ўлдириш ЖК 219-моддасининг тегишли қисмида ҳамда 97-моддаси иккинчи қисмининг «г» бандида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозимлиги таъкидланган.

Биринчи ва апелляция инстанция судлари, ушбу Пленум қарорига зид равишда, А.нинг ҳаракатларида жабрланувчининг ўз фуқаролик бурчини бажариб турган вақтда қасддан ўлдиришга суиқасд қилиш ва фуқаролик бурчини бажараётган шахснинг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиш аломатлари мавжуд бўлмасада, унинг ҳаракатларини ЖКнинг

25,97-моддаси 2-қисмининг «г» банди ва 219-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилиб хатога йўл қўйган.

Бундан ташқари, суд ишни кўришда юқорида қайд этилган Пленум қарорининг 9-банди талабларига риоя қилмаган ва аниқланган ҳолатларга қараганда А. Э.нинг оёғига ўқотар қуролдан ўқ узиб, ярадор қилгандан сўнг, Э. ҳодиса жойидан қоча бошлаганда А. кўлидаги тўппончадан яна икки марта осмонга қарата ўқ узганлиги исботланган.

Бундай ҳолатда, А. Э.ни ўлдириш учун имконият мавжуд бўлса-да унга қарата ўқ отмасдан осмонга қарата ўқ отганлиги Э.ни қасддан ўлдиришга суиқасд қилмаганлигидан далолат беради.

Иш бўйича тўпланган далилларга кўра, А. Э.га ўлдириш мақсадисиз, ҳеч бир сабабсиз, безорилик оқибатида, қасддан ҳаёти учун хавфли бўлган оғир шикаст етказганлиги исботланган.

Бу ҳолат суд тиббиёт экспертизасининг Э.га ўқотар қуролдан отилган ўқ билан чап сонини, ички аъзоси-уретрани жароҳатланишига сабаб бўлган ҳаёти учун хавфли оғир тан жароҳати етказилганлиги ҳақидаги хулосаси билан ҳам тасдиқланган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати суд қарорларининг А.ни ЖК 219-моддасининг 2-қисми билан айбдор деб топилган қисмини бекор қилиб, ишнинг шу қисмини тугатган ва унинг ҳаракатларини ЖК 25,97-моддаси 2-қисмининг «л,г» бандларидан шу Кодекснинг 104-моддаси 2 қисмининг “е” бандига қайта квалификация қилган.

Назорат иши № ЖСХ-199–05

